




Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 21 август № 173 (3448) Шанба

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

Иқтисодиётимиз қон томири



Темир йўллари бежиз иқтисодиётнинг қон томирига қийслашмайди. Чунки улар орқали миллионлаб йўловчилар манзилларга етказилади, минглаб тонна юк у ҳудуддан бу ҳудудга ташилади. Транспортнинг ушбу муҳим тармоғи ўзининг арзонлиги, хавфсизлиги ва қулайлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу боис мамлакатимиз мутақилликка эришгач, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан темир йўл соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Республикаимизнинг барча минтақасига темир йўл етиб боришига эришиш, мавжуд йўллари замонавий, жаҳон андозалари талаблари даражасида таъмирлаш, хизмат кўрсатиш даражасини, тизим инфратузилмасини яхшилаш асосий мақсад эди белгиланди. Қувончли шунки, бугунги кунда тармоқда амалга ошириляётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. "Навоний — Учқудук — Султон

Увайстог — Нукус" темир йўл магистралининг қурилиши, Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган йирик кўприкнинг бунёд этилиши фикримизнинг далилидир. Эндиликда поездлар ана шу йўналишларда қўшни Туркманистон ҳудудига кирмасдан, республикамиз бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Бу катта миқдорда валютани тежаш имконини бераётди.

Ҳукуматимиз қарорига кўра бунёд этиляётган "Тошгузар — Бойсун — Кумкўрган" темир йўлини эса, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизда стратегик аҳамиятга эга бўлган

"Тошгузар — Бойсун — Кумкўрган" йўналишидаги темир йўлнинг дастлабки навбати муддатидан илгари фойдаланишга топширилди



Мустақиллик иншоотлари



энг катта қурилиш иншоотларидан бири, дейиш мумкин. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини ўзаро боғловчи мазкур темир йўлнинг узунлиги 223 километр бўлиб, у Хисор тоғ тизмаларини кесиб ўтади. Иншоотнинг яна бир мураккаблиги шундаки, айрим жойларда иш денгиз сатҳидан 1,5 минг метр балангликда амалга оширилади. Темир йўл қурилиши соҳасида бундай юмуш нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ҳам биринчи марта бажарилмоқда.

У фойдаланишга топширилса, Туркманистон ҳудудидан ўтадиган 184 километрлик темир йўлнинг қисқариши туфайли мазкур давлатга ер солиғи сифатида тўланаётган ўн миллионлаб АҚШ доллари тежаб қолинади. Келгусида эса янги темир йўл орқали Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларга юклар ташилади. Ана шу мамлакатлар орқали жатто океанга чиқиб ва товарларимизни жаҳон бозорига етказиш мумкин. Бу, табиийки, денгиз транспортига эга бўлмаган мамлакатимиз иқтисодиётига жуда катта фойда

келтиради. Шу қўнғача ушбу темир йўлнинг "Тошгузар-Дехқонобод" йўналиши қуриб битказилди. Унинг узунлиги 57 километрдан иборат. Мазкур масофада 5 бекат бўлиб, хусусан, "Тошгузар" бекатида 24 йўловчи, "Дехқонобод" бекатида эса 100 йўловчи хизмат кўрсатувчи замонавий вокзал бинолари бунёд этилди. Вокзаллар ва бекатларда савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам қад ростлади. Улар юзлаб одамларни иш ўринлари билан таъминлайди.

— Лойиҳага кўра, ушбу иншоотнинг "Тошгузар — Дехқонобод" навбатини келгуси йили фойдаланишга топшириш режалаштирилган эди, — дейди темир йўл қурилиш дирекцияси бошлиғи Умаркул Аҳмедов. — Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бевосита гамхўрлиги, бюджетдан ўз вақтида маблағ ажратилгани туфайли у бир йил олдин ишга туширилди. Бунда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси йўл хўжалиғи бошқармасининг "СМП-406", "СМП-503", "СМП-702" хисса-

дорлик жамиятлари, "Узавтойўл" компаниясининг қурилиш ташкилотлари, "Трансаноатқурилиш", "Кўприкқурилиш", "Қарштаъмирқурилиш-таъминот", "Тошнефгазқурилиш" ҳиссадорлик жамиятлари қурувчиларининг фидокорона меҳнати, ишга масъулият билан ёндашганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Улар барча қийинчиликларни энгиб, нафақат 57 километрлик йўлни, балки адирлик ва тоғ ҳудудларида 12 кўприкни ҳам қуриб битказдилар.

— Янги темир йўлнинг халқ хўжалиғида ўрни ниҳоятда катта, — дейди "Тоштемирйўллойиҳа" институти директори Холмурод Исмоилов. — Масалан, илгари Дехқонобод тумани учун зарур бўлган минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари ва бошқа юзлар 45-50 километр узакликда жойлашган Ғузурдан олиб келинарди. Энди бунга барҳам берилди. Қолаверса, Дехқонободнинг "Тюбегетан" мавзесидаги қалий ўғитлари, Бойсундаги кўмир ва қурилиш материаллари ҳам ана шун темир йўл орқали бутун мамлакатимизга етказиб берилди.


Республикамиз мустақиллигининг 13 йиллик байрами арафасида темир йўлнинг қуриб битказилган Тошгузар ва Дехқонобод бекатларини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Дехқонободда бўлиб ўтган тадбирни Қашқадарё вилояти ҳокими Н. Зайниев очди. Тантанали маросимда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси О. Раматов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Ж. Жабборов, деҳқонobodлик меҳнат фахрийси Т.Холтўраев ва бошқалар йиғилганлари бу ютуқ билан табриклидилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Файзуллаев сўзга чиқди.

Ҳосил КАРИМОВ, Юнус БҒУРОНОВ, СУРАТЛАРДА: темир йўл қурилишида иштирок этган ишчи Баҳодир Юсупов; янги йўлнинг умумий кўриниши. Рашид ГАЛИЕВ, Шомурод ШАРОПОВ (ўзА) олган суратлар.

Олий Мажлисида

Кеча Олий Мажлисининг Омбудсман ҳузуридаги Инсоннинг конституцийвий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.



Инсон ҳуқуқлари ҳимояда

Унда Олий Мажлис депутатлари, вазирлик, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда депутатлар Олий Мажлисининг XV сессияси кун тартибига киритилиши назарда тутилган масалалар юзасидан фикрлашиб, уни бир овоздан маққуладилар.

Омбудсманнинг беш йиллик фаолияти бўйича Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидов ва маъруза қилди. Унда маълум қилинишича, 2000-2004 йиллар мобайнида комиссияга келиб тушган мунозамоналиклар ўрганилиб, 1140 таси ҳисобот даврида ижобий ҳал этилган. Уларнинг 5000 дан зиёди назоратга олинган, қолганлари эса ижро этилмоқда. Инсон ҳуқуқларини паймол этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир зарур тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, йиғилишда "Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида" ги қонун лойиҳасининг янги таҳрири муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар янги таҳрирдаги ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликка риоя қилиш миллий тизими мониторингини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Зиёда АШУРОВА.

Эллиққалъалиқлар бугдй экишга киришдилар

Эллиққалъа тумани миришкорлари бошқа қишлоқ хўжалиқ экинлари билан биргаликда қузги бугдйдан мўл ҳосил олишда оробўйиллик деҳқонларга ибрат кўрсатмоқдалар. Туманининг энг илгор фермер ва пудратчилик ҳар гектар ердан 70-80 центнергача сара дон янчиб олишяпти.

Кўриқ заҳматқашлари бу йилги экиш мавсумига ҳам пухта ҳозирлик қўришди. Мўл ҳосилли "Крошк" ва "Половчанка" навларини экиш учун балл-бонитети

юқори бўлган унумдор ерлар танланди. Мавжуд уруғни саралашда «Бўстондон» корхонасида «Петкус» қорилмасидан самарали фойдаланилди. Кеча туманининг Гани Одилов номли, ал-Хоразмий номи ва «Тоза-амиробод» ширкат қўжалиқларида мустақиллигини ўн тўрттинчи йили учун қузги бугдй экишга киришилди. Бу йил эллиққалъалиқлар 2000 гектар майдонга уруғ сепадилар.

Янгибой КўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнесга кўмак

Шофиркондаги «Узатурал» хусусий фирмаси «Замин-инвест» компанияси томонидан қўрсатилган молиявий ёрдам ҳисобига лизинг бўйича керакли хориж ускунасини сотиб олди.

— Фирма маҳаллий бозордаги вазиятни ўрганиб чиқиб, маъданли сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилди, — деди «Узатурал»

МЧЖ директори Иброҳим Жамолов «Туркистон-пресс» мухбири А. Қудратовга. Фирмада 12 дан зиёд маҳсулот турларини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. «Замин-инвест» компанияси кўмағида тадбиркорлар жами 75 минг АҚШ доллари миқдорда Россия ва Италиянинг ускуналарини харид қилди.

ТАНЛОВ ЯҚУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ватанимиз Мустақиллигининг 13 йиллиғига бағишлаб эълон қилган "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

танлови яқунланди

МИРПУЛАТ МИРЗО (шоир) — Шеърин "Сайланма"си ва жаҳон шеърини намуналаридан қилган таржималари жамланган "Сомон йўли чечаклари" китоблари учун

АСРОФ АБРОҲУЖАЕВ (журналист) — "Меҳр кўзда" туркум телекўрсатуви учун

АНОРКУЛ БОЙБЕКОВ (рассом) — "Сирдарё кечувлари" туркумидаги тасвирий санъат асарлари учун

НОДИР ШОАЭЗОВ (дизайнер) — Инсон руҳияти, қалби ва онгида кенаятган ҳурлик ўзгаришларини тасвирий воситалар орқали моҳирона ёритгани учун

СЕРГЕЙ СПИРИДОНОВ (фотомуҳбир) — "Харбий ватанпарварлик" мавзусидаги фотосуратлари учун

Қўйидаги ижодкорлар танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Муротбой Низонов ва **Тўрғонқалъа Калимбетов** (Қоракалпоғистон Республикаси) — "Боршитаулли азамат деҳқон" видеофильми учун

Ориф Омонов (Қашқадарё) — "Оловқалб одамлар", "Фидойи" китоблари учун

Ҳайдар Санаев (Самарқанд) — "Менинг қишлоғим", "Бодом гуллаганда" тасвирий санъат асарлари учун

Малика Ниёзматова — "Новий век" мустақил газетасида чоп этилган "Меҳр ва муруват йили"га бағишланган туркум мақолалари учун

Дилшоода Раҳматуллоева (Хоразм) — "Экология", "Тўрт фасл", "Оқар дарё" тасвирий санъат асарлари учун

Шухрат Ориф — "Мустақиллик, маънавият, тикланиш даври" мақолалари учун

Иброҳим Ҳаққул — "Тафаккур" журналида эълон қилинган "Абдулла Қаҳҳор жасорати" эссеси учун

Зиёуддин Мансур (Наманган) — "Дилраболар дийри" шеърини тўплами учун

Раҳимжон Ризамухомедов — "Амир Темури шажараси" тасвирий композицияси учун

Дилбар Раҳимова — "Ўзбекистон — умумий уйимиз", "Ягона оилада" туркум телекўрсатуви учун

Туманда учинчи кўшма корхона

Ўттиз минг аҳоли истиқомат қиладиган Шаҳанд қишлоғида Ўзбекистон — Туркия «Ас-Шах текстиль» кўшма корхонаси ишга туширилиши билан Тўрақўрган туманида хорижий сармоядорлар иштирокида фаолият кўрсатаётган жамоалар сони учта бўлди. Собик трикотаж фабрикаси негизда барпо этилган корхона тўқимачиликка йўналтирилган бўлиб, ойига 200 тонна бўялган ва 320 тонна оқланган мато тайёрлаш қувватига эга. Маҳсулотнинг асосий қисми жаҳон


бозорига чиқарилади. Тасвирчилар бу ерга энг янги технологиялар ўрнатилди. Уларни 150 га яқин маҳаллий ёшлар бошқаришмоқда. Ҳамкорликдаги лойиҳанинг кейинги босқичида газламани тайёр маҳсулот — тикуччилик буюмларига айлантириш кўзда тутилган.

Кеча шаҳандликлар учун байрам совғаси бўлган кўшма корхонанинг тақдими бўлди. Уни вилоят ҳокими Т. Жабборов очиб, вилоят иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш самаралари ҳақида гапирди.

Шундан сўнг маросим қатнашчилари янги ҳамкорлик корхонаси иш жараёни билан танишдилар.

«Ас-Шах текстиль»нинг очилиш маросимида республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов, Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги элчисининг биринчи маслаҳатчи-котиби Сермет Улкер иштирок этдилар.

Қудратилла НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ўзА) олган сурат



Боксчиларимизнинг навбатдаги ғалабаси



XXVIII ёзги Олимпия уйинларида қатнашиш учун Афина шаҳрига йўл олган спортчиларимиз орасида боксчиларга катта умид билан қараётгани ҳеч кимга сир эмас. Чарм қўлқоп усталаримизнинг эса бунга муносиб тарзда ҳаракат қилишмоқда. Хусусан, ҳамюртимиз Уткирбек Ҳайдаров иккинчи босқич баҳсларини бошлаб юборди. Унинг илк беллашувда нигериялик Исаак Акро устидан ғалаба қозонганидан хабарингиз бор. Уткирбекнинг иккинчи босқичдаги жанги ҳам муваффақиятли яқун топди. У жаёзирлик

Абдулганий Кенжа устидан ғалаба қозонди. Олимпиада уйинларида жаҳон чемпиони Уткир Ҳайдаровдан сўнг яна икки ўзбек боксчиси чорак финалга чиқди. Улар — Дилшод Маҳмудов ва Шерзод Хусанов.



Д. Маҳмудов бразилиялик Алессандро Матосни 26-16 ҳисобида мағлубиятга учратди. Туркиялик Булент Улусой эса 23-9 ҳисобида Ш.Хусановга имкони-

ятни бой берди. Игорь Алборов ва Сидней Олимпиадаси совриндори Рустам Саидов сингари боксчиларимиз дастлабки учрашувда рақибларига имкониятни бой берди. Баҳсларга жад билан киришган академик эшак шувчилар ва сузувчиларимизга эса Афина Олимпиадасида омад келмади.

МуСОБАҚАЛАР КИЗИҚ ПАЛЛАДА. Ҳамюртларимизнинг олдида катта довонолар турибди. Умид қиламизки, афсоналар ўлкасига йўл олган спортчиларимиз юртимизда спортга қўрсатиляётган алоҳида эътиборга муносиб бўлишга ҳаракат қилдилар.

Мақсуд МИРЗО, «Халқ сўзи» мухбири, Анвар ИЛЁСОВ (қ.Жаҳон) АА олган сурат.

Тўйга тўёна билан келиш азалий одатларимиздан саналади. Неча-неча қўрқам иморатлар, равон кўчалар, йўлларнинг қўлтуғ сана арафасида фойдаланишга топширилиши байрамга янада кўтаринкилик бахш этмоқда. Хоразм вилоятида ҳам бу борада қатор ишлар амалга ошириляпти.

Тўйга тўёна билан

Хоразм вилоятида 8 ой илгари вилоят туғруқхонасини капитал таъмирлаш, уни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари бошланган эди. Савоб ишга вилоят ахли ҳам бош қўшдилар. Бугун туғруқ мажмуаси замонавий қиёфага кирди. Уни таъмирлаш учун 4 миллиард сўм маблағ сарфланди. 200 миллион сўмлик замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Кеча вилоятда яна иккита янги иншоот ҳам ўз фаолиятини бошлади. Ҳонқа тумани Оқунбобоев номи ширкат хўжалиғида 2-типдаги болалар спорт мажмуаси ишга туширилди. Ярим йилда

қуриб битазилган мажмуа Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва ҳомийлар томонидан молиялаштирилди. Бу эгу ишга жами 560 миллион сўм маблағ сарфланди. 960 ўринга мўлжалланган спорт мажмуини бунёд этишда 288-қурилиш жамияти бинкорлари алоҳида ғайрат кўрсатдилар. Қишлоқ марказида жойлашган мазкур спорт мажмуасида болалар спортнинг ҳамма турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ҳонқа туманидаги иккинчи мустақиллик иншооти — бу «Хоразм» ширкат

хўжалиғи, Қирён қишлоғида иш бошланган 100 ўринли санаторий типидagi мактаб-интернатидир. «Оби-ҳаёт ЛТД» корхонаси томонидан мукамал таъмирланган ушбу санаторийда бугун, юрак, қон-то


мир ва бошқа касалликларга чалинган болалар саломатлиқларини тиклайдилар. Сўлим гўшада жойлашган санаторий ётоқхона, ошхона, ўқув биноси, фойтоб ва гимнастика залига эга.

Ушбу мустақиллик иншоотларининг очилиш маросимида вилоят ҳокими И. Бобононов илгор қурувчиларни қимматбахш совғалар билан тақдирлади. Тадбирда Республика Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова иштирок этди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлисининг XV сессияси олдидан

ОИЛАНГ ТИНЧ — ЮРТИНГ ТИНЧ



Оила ўзига хос тарбия ўчоги ҳисобланади. Халқимизнинг ноёб миллий қадриятлари, анъаналари биз улайиш, камол топган оилада шаклланади. Шу боис мустақиллик йилларида мамлакатимизда оилаларга катта эътибор қаратилади. Негаки, оила тинчлиги юрт тинчлиги, Ватан тинчлиги демакдир. Хўш, сўнгги йилларда оилани мустақамлаш борасида қандай ютуқлар эриштиляпти-ю, олдимида халқ қишлоғимиз мумкин бўлган қандай муаммолар турибди? Бу ва икки сессия ораллигида амалга оширилган ишлар хусусида Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Шарифа САЛИМОВА куйидагиларни сўзлаб берди:

— Биз ўз фаолиятимизни Олий Мажлис Кенгаши томонидан белгиланган катъий режа асосида олиб бордик. Мамлакатимиз парламентининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган "Давлат бюджетининг газначилик ижроси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги ҳамда иккинчи ўқида муҳокамага кўйилган "Экспорт назорати тўғрисида"ги, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар лойиҳаларига ўз тақлифларимизни бердик. Қонун ижроси юзасидан жойларда назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориб, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғриси-

да"ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятидаги ижросини ўргандик. Шу жараёнда уюштуруш билан бир қаторда айрим салбий ҳолатлар ҳам аниқланди. Баъзи корхона-фирма фаолияти ўрганилганда, хотин-қизлар самарали меҳнат қилиши учун шароит етарли эмаслиги, иш жойлари санитария-гигиена талабларига жавоб беришлари, дебиторлик қарзлари боис иш ҳақи вақтида тўланмаётгани аниқланди. Шунингдек, нафақа пулларини тўлашдаги узалишлар, айрим почта ва алоқа бўлиmlарида имзолар қалбақлаштирилгани, меҳнат шартномаларини тузиш ва ўзгартиришда қонунбузарликка йўл қўйилгани маълум бўлди. Айрим жойларда фарзанди ўша тўлмага аёлларни сабабсиз ишдан бўшатилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Комиссия йиғилишида ушбу ҳолатлар муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул

қилинди ва зарур тавсиялар берилди. Оила кодексининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги 17-моддасини Сурхондарё вилоятида ўргандик. Ҳозирги кунда ушбу моддага ўзгаришлар киритилиши натижасида никоҳланувчилар бешта касаллик бўйича тиббий кўриқдан ўтказилиши керак. Бунинг учун давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилган. Биз ушбу қонун қирғисига оид йиғилишимизни тез кунларда ўтказишга тайёргарлик қураётимиз. Бу борадаги ютуқ ва камчиликлар хусусида мазкур йиғилишда батафсил тўхталдим.

Комиссиямиз томонидан "Меҳр ва муруват йили" дастури доирасида ҳоқолини ижтимоий ҳимоялаш, муҳтож кишиларга, кам таъминланган оилаларга қўмаклашиш, ноғиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ёрдам беришга йўналтирилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Аъзоларимиз "Меҳрибонлик", "Муруват", "Саховат" уйларида бўлиб, хайрия ёрдамларини ташкил қилишди. Амалий тадбирлар режасига биноан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида "Хуқуқий демократик давлат барпо этишда хотин-қизларнинг сиёсий фаолияти" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилиб, унда аёлларнинг жамиятда

тутган ўрни ва нуфузи, сиёсий партиялардаги иштироки хусусида фикрлашиб олинди. Бундан ташқари, парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирилган "Меҳр ва муруват тушунарларини шакллантиришда оила ҳамда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусидаги илмий-амалий анжуманида қизқорлик, муаммоли фикрлар ўртага ташланди. Шунингдек, бу борада оммавий ахборот воситаларини ўрни хусусида кенг жамоатчилик томонидан тақрифлар билдирилди. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларга бўлган ҳурмат ва катта ишончининг яна бир ифодаси бўлди. Ушбу Фармон ва Вазиrлар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарори билан комиссиямиз аъзолари чўқур танишиб, унинг мазмун-моҳиятини халқимизга синдиришда фаол иш олиб бориладур. Ушбу Фармон орқиб амалий тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тадбирлар режасига биноан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида "Хуқуқий демократик давлат барпо этишда хотин-қизларнинг сиёсий фаолияти" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилиб, унда аёлларнинг жамиятда

да тинчлик, хотиржамлик бўлсин. Бу гапни бежизга келтирганим йўқ. Яқинда Самарканд вилоятининг қатор туманларига сафар қилдик. Қўшрабтодаги йиғилишда терроризм ва унинг оқибатлари тўғрисида гап кетди. Шунда саксон икки ёшли онахон қўлини дуога очиб, халқимизга бағри бутунлик, тинчлик ва хотиржамлик тилади. Зеро, ҳар бир оила равақати учун тинчлик сув ва ҳаводек зарурки, унинг қадрини бошидан иссиқ-совуқни кўп кечирган кексаларимиз яши билдиларди. Икки сессия ораллигида комиссиямизга фуқаролардан тушган шикоят-аризаларни атрофича ўрганиб, мутасадди идоралар ҳамкорлигида ижобий ҳал этиш чораларини кўрдик. Натижада бизга мурожаат қилинган ҳам ёзма, ҳам озаки шикоятлар ўрганилиб, уларнинг тўқсон фоизидан кўпроги ижобий ҳал қилинди. Яна бир нарсани, шикоятларнинг аксариятини оилавий муносабатлардаги келишмовчиликлар, эр-хотин ўртасидаги қўшма-қўшқун идоралар фаолиятининг норозиликлар ташкил этиди. Вазиrларимиз эса ҳар бир ишга жиддий ёндашиб, фуқароларнинг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш, оилалар тинчлигини таъминлашди.

"Халқ сўзи" мухбири Зейно АШУРОВА ёзиб олди.

Ўзбек уй қурса...

Дўстларимдан бири "домда яшаш жонига теккандан уни ҳовлига алмаштириш тадоригига тушиб қолди. Бир-иккита чалароқ иморатни кўриб, ёқтирмади шекилли, пойдевор бетондан қуйилган олти сотихли майдонни олиб, қурилишни бошлади. У уй қуришда болболаримизга хос йўлдан бориб, ердан нақ икки метр қўрилган пойдевор устига хом гиштдан, томига тикилган одамнинг дўпписи бошидан тушиб кетадиган қилиб уй қуришга киришди-ю, менинг тинчим йўқолди. Эр киши, албатта, уйланиши, бола-чака орттириши, уй-иморат барпо қилиши, шунингдек, эл қатори маҳалла-қўй, таниш-билишлар учун дастурхон тузаб, тўй бериши ҳам қарз, ҳам фарз. Менга тинчлик бермаётгани дўстимнинг айнан хом гиштдан иморатини тиклаётгани бўлди. Қани энди ҳаммени бут бўлса-ю, унга пиш-

ган гиштни олиб берсам. Бироқ чамалаб кўрсам, дўстим аввалдан ҳисоб-ки-тоб қилиб, оиласи учун иккам иморат тиклаганида, қўшнилариники сингари нақ икки қаватли қилиб уй қуришга зўр бермасдан, оқилона, росмана олимона қурилиш қилишга киришганида эди, пишк-пухталиги жиҳатидан ҳам ўзига хос ва ўзига мос иморат қурган бўларди. Тўри, ақл ўрта-тиш осон. Ҳозир нафақат иморат қуриш, балки кичик-кўч хона тиклашга қурби келмайдиганлар ҳам бор. Бироқ маблағ топиб, хилма-хил уйлар тиклаётганлар ҳам истаганча топилади. Мен уйининг деворини хом гиштдан тиклаётган дўстимга:

Иморат омонат бўлиб қолади-ю, — дедим. — Бизга бўлаверди, кейинги авлодлар хоҳласа, бошқатдан пишк-пухта қилиб қуриб олаверди, — дея жавоб берди у.

Афсуски, иморатсозлик соҳасида манманлик, мен сендан қолишмайман, дея иморатини қўшиниқидан бир қарич бўлса ҳам ба-

ГРАНТ-ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА, Жасур КЕНГБОВЕ). Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳалар учун бегараз ёрдам дастури доирасида ўрта таълим муассасалари учун 157 миң АҚШ доллари миқдорига грант ажратилиши оид ҳужжат имзоланди.

Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Акио Кавато Ўзбекистон-Япония муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Таълим соҳасини ислоҳ этиш борасидаги ҳамкорлик, айниқса, самарали кечмоқда. Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистондаги ўрта таълим муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш лойиҳаси доирасида қўрсатилаётган изчил ёрдам ана шундай яқин ҳамкорлик натижасидир.

Грант-шартномада кўзда тутилган маблағ Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги 22-ўрта мактаб, Зангиота туманидаги 32-ўрта мактаб ва Қуйи Чирчиқ туманидаги 33-ўрта мактабни ўқув қуроллари, замонавий асбоб-ускуналар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлашга сарфланади.

Ҳужжатга номи зикр этилган мактаблар директорлари — Бурхон Ашурметова, Рустам Тожибоев, Фаридат Алтаева ҳамда Япония элчиси Акио Кавато имзо қечди.

САВДО ЯРМАРКАЛАРИ

Вазиrлар Маҳкамаси Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллиги тантаналари кунларида барча юртдошларимизга янада қулайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотлари савдо ярмаркасини ташкил этиш юзасидан фармойиш қабул қилди.

Унда, жумладан, пойтахтимизнинг барча туманларида 20 августдан 10 сентябрга қадар қишлоқ хўжалиги махсулотлари савдо-ярмаркаси уюштирилиши белгиланган.

Пойтахт аҳолиси ва шаҳримиз меҳмонлари "Фарход", "Бешёғоч", "Миробод" бозорлари худудидан ва бошқа аҳоли гавжум масканларда ташкил этилган ярмаркалардан сабзавот, узум, қовун-тар-

тортиқ этмоқдамиз, — дейди Наманган вилояти ҳокимлиги вакили, "Осиё" фирмаси директори ўринбосари Обиджон Абдуқаҳҳоров. — Ярмарка очилган қуни Чортоқ туманидаги "Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги", Алишер Навоий номидаги, "Пешқўрган" ширкат хўжалиқлари, дехқон ва фермер хўжалиқлари юз тоннадан орқиб қишлоқ хўжалиги махсулотлари сотди. Миришқорларимиз ярмаркага бир ярим миң тоннадан орқиб махсулот етказиб беришга аҳд қилган.

Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

Байрам тағбири

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг Марказий майдонларни ободонлаштириш махсус бошқармаси ходимлари истиклолимизнинг 13 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ўтказишди, дейилади "Туркистон пресс" мухбирининг маълумотида.

Тадбирда юрт қўрқамлиги учун хизмат қилаётган, ишчанлиги, меҳнатсеварлиги билан жамоа орасида ҳурмат қозонган ишчи-хизматчиларга фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Алоқа мунтазам бўлади

Бухоро вилоятидаги энг чекка ҳудудлар билан барқарор уяли алоқани таъминлаш мақсадида россиялик мутахассислар замонавий алоқа ускуналарни ўрнатмоқда.

"Туркистон пресс" мухбири А. Қудратовнинг хабарига кўра, ускуналар Япония ҳукумати ташқи иқтисодий ҳамкорлик банки (ЛВБ) маблағлари эвазига сотиб олинди. Мазкур станция Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилади.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

Ислом КАРИМОВ.

Дунёда глобаллашув жараёни бормоқда. Мамлакатлар иттифоқи. Ягона пал бирлиги. Ягона химоя тармоғи. Мувофиқлашган иқтисод. Фан ютуқларини ҳаётга татбиқ этишининг уюшган дастури. "Етти икким"ни боғлаб турувчи Интернет тизими...

Ҳаёт фойдаланиш жараёни. Инсоният тараққиётига хизмат қилувчи, давлатларни муштарак мақсад йўлида бирлаштирувчи жараён... Шунча-ку, глобаллашув миллий ўзига эътибор, миллий қадрият деган тушунчалар масаласида айрим муаммоларни келтириб чиқармасмикан? Дейлик, бир халқнинг одат ва удумлари, шаклланган дунёқараши бошқа халққа "тушунарсиз", "бегона" туола-чи? Масалан, мен ўзбек тилидаги "иймон", "инсоф", "андиша", "увол", "орият" деган сўзларнинг Европа тилларидаги аниқ таржимасини билмайман.

Биргина номус деган тушунчани олайлик. Бу қадрият ҳамма халқларда бор. Ўзбекда эса бу тушунча "ор", "орият", "хаё", "иба", "иффат", "ўят", "поқлик", "поқдомонлик" деган ўнга яқин сўз билан ифодаланади. Негаки, номус — юксак инсоний қадриятлардан бири. "Бенумус", "ўятсиз", "беҳаё", "нопоқ" деган сўзлар жуда оғир ҳақорат саналади. "Етти номус — бир ўлим", "Йигит кишининг ўялган — ўлган", "Ўят ўлимдан қаттиқ" деган гаплар бор.

Буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний мейл йил аввал яратган "Хиндистон" асарига ёзган: "Бирон халқнинг у ёки бу удумларига баҳо беришда буниси менга ёқади, унис ёқмади, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, негаки, ҳар бир халқ удумлари, анъаналари миңг йиллар давомида шаклланган ва ўша миллиятнинг ҳаёт тарзига айланган". Шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсақ, ўз қадриятларимизни улуғлаб, бошқаларникини камситиш тўғриси бўлмайди. Ҳар бир миллиятнинг ўзига хос ўзал удумлари бор. Бироқ Шарк билан Фаро дунёқараши орасида анчайин жиддий тафовутлар борлигини инкор қилиб ҳам бўлмайди.

Дейлик, Фарбада кеча вояга етган қизалоқ бугун ўзи ёқтирган кишинини уйига бошлаб келиб, бамайхотир "вақтихушлик" қилса, ота-онаси монелик қиллолмайди. Негаки, у мустақил шахс. Шахс арқилигига даҳл қилиш эса қонун билан тақиқланади. Бизда, Худо кўрсатмасин, қиз бола шунча қилиқ қилса, ота-она шўрлик қариндош-уруғ, маҳалла-қўй олдидан бош кўтаролмай қолади. Териси юпқарок ота бўлса бу-

нақани фарзандни "оқ қилиб" қўя қолади. Ўзбек учун эса ота ёки надан "оқ" бўлиш ёлғиз ўзи эмас, келажак авлодларнинг ҳам икки дунёсини барбод қилиш демакдир. Фарбада ун йил турмуш қуриб, икки-уч фарзанд кўрган аёл ажойиб кўналарнинг бирида эрига "Ази-зим, кечирасан, мен бировни се-

нақани фарзандни "оқ қилиб" қўя қолади. Ўзбек учун эса ота ёки надан "оқ" бўлиш ёлғиз ўзи эмас, келажак авлодларнинг ҳам икки дунёсини барбод қилиш демакдир. Фарбада ун йил турмуш қуриб, икки-уч фарзанд кўрган аёл ажойиб кўналарнинг бирида эрига "Ази-зим, кечирасан, мен бировни се-

нақани фарзандни "оқ қилиб" қўя қолади. Ўзбек учун эса ота ёки надан "оқ" бўлиш ёлғиз ўзи эмас, келажак авлодларнинг ҳам икки дунёсини барбод қилиш демакдир. Фарбада ун йил турмуш қуриб, икки-уч фарзанд кўрган аёл ажойиб кўналарнинг бирида эрига "Ази-зим, кечирасан, мен бировни се-

нақани фарзандни "оқ қилиб" қўя қолади. Ўзбек учун эса ота ёки надан "оқ" бўлиш ёлғиз ўзи эмас, келажак авлодларнинг ҳам икки дунёсини барбод қилиш демакдир. Фарбада ун йил турмуш қуриб, икки-уч фарзанд кўрган аёл ажойиб кўналарнинг бирида эрига "Ази-зим, кечирасан, мен бировни се-

нақани фарзандни "оқ қилиб" қўя қолади. Ўзбек учун эса ота ёки надан "оқ" бўлиш ёлғиз ўзи эмас, келажак авлодларнинг ҳам икки дунёсини барбод қилиш демакдир. Фарбада ун йил турмуш қуриб, икки-уч фарзанд кўрган аёл ажойиб кўналарнинг бирида эрига "Ази-зим, кечирасан, мен бировни се-


Фарбада "Хар ким ўзи учун!" деган шир оқдид ҳақиқат. Ҳар ким ўзига мустақил шахс. Биров билан бировнинг иши йўқ. Бу Фарб индивидуализмининг яққол қурилиши. Бизда эса ўзи ноҳоригина рўзгор тебратиб турган оила ҳам қўшнинг бетоб боласига сўнги чақмоқ қандини илинади. Нима бу? Шунчаки ёввойи "инстинкт"ми?

... Шундай қилиб, XXI асрининг қудратли тўлқини — глобаллашув ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда ва ўз меваларини бермоқда. Электрон ахборот воситалари, Интернет — кафедрлар, дискотекалар, видеобарлар, стритиз — клублар (ҳашиямки, улар бизда тақриқлаб қўйилган), қаҳрамонлари

Ундан ҳар ким ўзига кераклик ажборотни олиш, ўтирган жойида бўлиб жажон билан алоқа ўрнатиши мумкин. Болалар учун-ку компьютердан зурроқ "овунчоқ" йўқ. Қўйиб берсангиз, эртдан кечгача шу "ўйин" билан ардармон бўлади. Холбуки, билиб фойдаланилмас, "ўйинчоқ" ашаддий қуролга айланиши мумкин.

Англиялик ўқитувчи жаноб Боффи 20 яшар ўғли — коллеж талабаси Филипнинг Интернет ишкисиб эканига қўнган. Яхши-да, йигитча кўча санжмайди, ҳар хил қалғани-қасангиларга қўшилмайди, ичмайди, чекмайди... Шунча-ку, қўнларнинг бирида ота-она унинг жасадини боғдан топишди.

Полициячиларнинг синчиклаб текшириши шуни аниқлайдики, йигитчани... Интернет сайти ўлдирган экан! Маълум бўлишича, Филип Интернетнинг биринчи ҳам, охири ҳам қурбони эмас экан. Интернетда одам ўзини қандай қилиб "гузал" ва "осон" ўлдириши кераклигини илпидан игнасигача ўргатадиган, шунга даъват қиладиган тўққиз миңга (!) сайит ишлаган тураркан! "Ўзини ўзи ўлдириш усуллари", "Ўзини ўзи қандай ўлдирайди?", "Наргити дунёга кетишининг энг яхши усуллари" деб номланган сайтларни излаб топиб учун эса "қалити"ни билган одамга бир неча дақиқа кифой! Компьютер экранидан уша ондаёқ бундай ёзув пайдо бўлади: "Сен тўри ўли тиландинг, дўстим! Бу дунёда яшашининг бошқаларга қараб қолган. Улим эса фақат ўзинимга боғлиқ. Биз ўзинимизни ўлдиришимиз мумкин. Улим биз учун ягона, ҳайратомуз йўлдири. Бир тасаввур қилиб кўр: хатто Худо ҳам ўзини ўзи ўлдириб олмайдми? Сен эса бунга қодирсан. Фақат улимгина бизга ҳаво, эрқ, қувонч ота этади"... Сунг ўзи жонига ҳақ қилишининг "гузал" усуллари — ўзини осийи, отиш, қўп микдорда уйқу дориси ичиш (аввал спиртли ичимлик истеъмол қилиб, кейин дори ичилса, тезроқ таъсир қилади, сен ширин уйқуга кетасан) қабилдаги "донор" тасвиялар берилади... Бундай қундулик "хуружлар" ақл-заковати тўлиқ шаклланиб улгурмаган усмир ва ёшларга халокатни таъсир кўрсатиши мумкин. Интернет сайтлари қурбонига айланганлар дунёнинг қўллаб мамлакатларидан йил сайин ортиб бормоқда. Биргина Россиянинг ўзида ўтган йили 58 миң 200 киши ўзини ўзи қурбон қилган. Булар орасида "хотил" Интернет қурбонлари ҳам ўз эҳмас. Уларнинг аксарияти армиядан нарсадан ранжидан ёки ҳаётда шунчаки омади юришмай турган ёшлар бўлган. Шу тарихи, бир жиҳатдан



Фуркат туманидаги "Ал-Мансур" фермер хўжалиги қорвачиликка ихтисослашган. Айни пайтда бу ерда 130 бош қорамол мавжуд. Жониворлар аниқ рацион асосида озиқлантириляётганлиги, зооветеринария қоидалари бўйича парвариш қилинаётганлиги боис махсулдорлик ошиб борапти. Ҳар бош соғин сигирдан кунига 12-15 килограмм сарқаймоқ сут соғиб олинапти. Жорий йилда жаммо аъзолари 120 тонна сут етиштиришни режалаштирмоқда. Махсуллотлар шартнома асосида тумандаги болалар боғчалари ва шифоналарга етказиб бериляпти.

СУРАТДА: фермер Мансуржон Давронов. Тоҳиржон ҚАМРОҚҲҲОВ оғал сурат.

АКАДЕМИЯДАГИ УЧРАШУВ

Тошкент (ЎзА мухбири Назолат Усмонова). Ўзбекистон Бадий академиясида До Минь Куй раҳбарлигидаги "Вьетнам-Ўзбекистон" дўстлик жамияти аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Истиклол йилларида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов

раҳнамоллигида ўзбек миллий маданияти ва санъати тобора ривожланаётгани, айниқса, ёш истеъдод соҳибларини ҳар томонлама рағбатлантириш ва уларнинг ижоди учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиляётгани таъкидланди. Айни пайтда ўзбек тасвирий

санъат усталари қўллаб халқаро танловларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Мамлакатимиз мусавирларининг Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллик байрамга атаб тайёрлаган "Навқирон Ўзбекистон" кўргазмаси меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки

«Ўзуйжойжамғармабанк»
акциядорлари диққатига!

«Ўзуйжойжамғармабанк» кенгаши шуни маълум қиладики, 2004 йилнинг 28 август кунин соат 16.00 да, Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган «Ўзуйжойжамғармабанк» Меҳнат филиалининг мажлислар залида «Ўзуйжойжамғармабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Кун тартиби:

- «Ўзуйжойжамғармабанк» саккизинчи эмиссия акцияларининг жойлаштирилиш натижалари тўғрисида ҳисобот.
- Банк устав капиталини 10,0 млрд. сўм миқдорига эълон қилиш ва 1 млрд. сўм миқдорига тўққизинчи эмиссия акцияларини чиқариш.
- Банк уставига киритилган ўзгаришларни тасдиқлаш.

2004 йилнинг 20 август ҳолати бўйича «Ўзуйжойжамғармабанк» акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга. Банк кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вакилларидан йиғилишга шахсларни тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишларини сўрайди. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 15.00 дан бошланади.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 136-03-88, 132-12-93.

«Ўзуйжойжамғармабанк» кенгаши.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Корхона ва ташкилотлар диққатига!
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

Қурилиш тўғрисида қўриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

1. Қўшработ тумани молия бўлими маъмурий биноси қурилиши.

Қурилиш ишларини бажариш муддати – 2 ой.
Буюртмачи – Қўшработ тумани молия бўлими.
Манзили: Қўшработ кўрғони, Ғофур Ғулом кўчаси, 2-уй. Телефон: 33-63-21.
Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг эки қўрсатиб ўтилган маблағлари беришига банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)нинг бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдон, корпус 2-Г, 208-хона. Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.

Ўзгаришларнинг бир йиллик (комплекс) қиймати – 70000 сўм.

Тақлифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кун ва соати. Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонда, соат 18.00да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

«Осиё Афросиёб»
очиқ турдаги акционерлик жамиятининг акциядорлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли қарорини бажариш учун «Осиё Афросиёб» очиқ турдаги акционерлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2004 йил 27 август кунин соат 10.00 да жамият биносинда ўтказилади. Барча акциядорларни рўйхатга олиш — соат 8.00 дан.

Кун тартиби:

- «Осиё Афросиёб» очиқ турдаги акционерлик жамиятини «Самарқанд дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятига бирлаштириш тарзида қайта ташкил этишни тасдиқлаш.
- «Осиё Афросиёб» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг «Самарқанд дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятига бирлаштириш бўйича тузилган шартномани тасдиқлаш.
- «Осиё Афросиёб» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини «Самарқанд дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятига ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш.

Кўсатув кенгаши.

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН

Katris ФИРМАСИ

МЕБЕЛЬ

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БИЗНЕС-МАКТАБИ

2004-2005 ўқув йили учун абитуриентларни кундузги ва сиртки бўлимларга қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга қабул эълон қилади:

- БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ
- БАНК ИШИ
- ЎЗЎҚ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ
- БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ
- ИҚТИСОДИЙ ЭКОНОМИКА
- ЎЎҚУВ БИЗНЕС
- МОЛИЯ

Ўқув дастури шакллари

Кундузги: — 1 йиллик (сертификат);
— 2 йиллик (диплом ва мутахассислик);
сиртки — 2 йил 8 ой (диплом ва мутахассислик).

Бизнес-мактабга ўрта, ўрта махсус ва олий таълимга эга бўлган абитуриентлар қабул қилинади. Ўқиш якуни бўйича битирувчиларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунадаги диплом ва тегишли малака берилади.

Дарслар қуйидаги тилларда олиб борилади:
- ўзбек тилида;
- рус тилида;
- инглиз тилида (махсус гуруҳ).

Аризалар 9 августдан 5 сентябргача (яқшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:
- паспорт ва паспорт нусхаси;
- 6 та фотосурат (3x4);
- диплом ёки аттестат (1-синфини якунлаганлиги ҳақида);
- 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома.

Ўқиш давлат гранти ва тўлов-контракт асосида олиб борилади. Дарсларни Малайзия факультети билан ҳамкорликда фаолият курсатган юқори малакали мутахассислар олиб борадилар. Аудиторлар аудио-видеоаппаратуралар билан ва замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Тингловчилар оригинал тарқатма материаллар билан таъминланадилар.

Ҳужжатлар ТДТУ асосий биносининг биринчи қаватида қабул қилинади.

Кўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй, ТДТУ, 2-йўлак, 6-қават, 642, 652-хоналар. Телефон: 46-05-47.

Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, харидорлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар савдо ташкилоти ва корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлар диққатига!

ШУ ЙИЛ 23-27 АВГУСТ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ, САМАРҚАНД, ҚАРШИ, НАМАНГАН, УРГАНЧ ШАҲАРЛАРИДАГИ

доимий фаолият юритаётган минтақавий кўргазмали-савдо ярмаркаларида «Ўзбекистон савдо» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек ипаги», «Ўзчармпойабзали» уюшмалари ва бошқа жамият, корхона, хусусий тадбиркорлар корхоналарида ишлаб чиқарилган енгил саноат моллари туркумига кирувчи товарларнинг кузги-қишки турларини сотиш бўйича

МАВСУМИЙ САВДО ЯРМАКАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Шаҳарлар	Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил
1. Тошкент	Навоий ва Фурқат кўчалари кесилган чорраха (Хадра майдони), «Халқ истеъмол моллари Тошкент регионал ярмаркаси» МЧЖ
2. Самарқанд	Тошкент кўчаси, 15-уй, «Самарқанд улгуржи чакана савдоси ярмаркаси» МЧЖ
3. Қарши	Ўзбекистон кўчаси, 184-уй «Нарғиза» МЧЖ
4. Наманган	Бобур шоҳқўчаси, 17-уй, «Лола» савдо комплекси
5. Урганч	Ўзбекистон кўчаси, 2-уй, «Урганч университети»

ЯРМАКАГА МАРҲАМАТ!
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 139-10-93, 139-46-97.

одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилади, рўйи жаҳон билан боғлаб турадиган энг замонавий алоқа воситаси, иккинчи томондан, баднат кимсалар қўлида беғуно инсонларни қўрбон қилувчи макдор ва бешафкат қўрол бўлиши ҳам мумкин экан.

Табиийки, глобаллашув оммавий ахборот воситаларига таъсир қилмай қолмайди. Бугунги кунда телевизор кўча маънода эмас, том маънода ойна жаҳонга айланди. Параллел ананна ўрнатган одам юздан ортқ канални бемалол томоша қилиши мумкин. Хоҳласа — комедия кўради, хоҳласа — трагедия, хоҳласа — жангари фильм, хоҳласа — эротик кино...

кундошман» деган мақоласи босилса, бошқа бир газетанда «тажриба»ли» фохишанинг қандай қилиб қайтадан «иффатли қизга айланиб қолгани» ҳақида «воқеий хикоя»си эълон қилинса, бунинг отини миллий ўзини англашни издан чиқаришга уриниш демай нима деб аташ керак? Бундай мақолалар нимага ўргатади газетхонни? Ешларни қай қўчага бошлайди? Мана, битта «ичкўзди латифа». «Таътилга келган талаба киз оstonаданок онасига кичкириди: «Ойи-жон, энди бизникида ҳам эркак киши бўлади!». «Вой, болам, бировни севиб қолдингми, қаерда ўқиркан у?» Э, у энди икки ойлик бўлди-ку!» Яна битта хангома. «Бир

Бир журналист айтган гап ёдимда: «Журналист истаган пайтда истаган оммавий ахборот воситасида истаган гапини айта олсагина, ҳақиқий сўз эркинлиги бўлади». Ўйлаб кўрайлик. Бу нима дегани? Чекланмаган ҳуқуқ талаб қилиш эмасми? Нима, у Худо бутимики, ҳуқуқи чексиз бўлса? «Ҳақиқатни айта олса», деса-ку, тушунарли. Лекин «истаган гапни айтиш» дегани нимадир? Унинг «истаган» пайтда «истаган» газетга ёки телевидиода айтган «истаган» гапи бегуно бир шахсни абор қилиш учун ўйлаб топилган бўхтон бўлса-чи? Эки бир миллатни иккинчи миллатга қарши гиж-гижлайдиган, терроризмини тарғиб қиладиган, хуллас, бутун бош-

олдида бир эмас, уч букилиб таъзим қилса, бунинг отини «шарқона менталитет» деб атайдилар, бизнинг аёллар эркакдан икки кадам орқанда юрса, «феодал муносабат»га йўқилар. Нега «стандарт» икки хил бўлиши керак? Бир-бириндан яқин нарсаларни ўрганиш халқларнинг қадимий удуми. Биз бошқалардан ўрганишга қарши эмасмиз. Бирок бир томон нуқул «устоз» иккинчи тараф нуқул «шогирд» бўлиши мумкинми? Қўйиб берсангиз, қачон қандай овқатланши, кимни яқини қўриб, кимни ёқтирмашликни, нимани ёқлаб, нимани қоралашни, қонунни қандай ёзиш сайловни қандай ўтказишни, бори-борини, қандай яшашни ҳам ўргатади-

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Буй етиб қолган ўғил ёки қиз ўша томошаларни ота-онадан яшириб қўрмайди, деб қафолат бериб бўлармикми?

Ҳозир Ўзбекистонда 800 дан ортқ оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаётти. Қонун бўйича истаган юридик ёки жисмоний шахс газетга ва журнал нашр этиш, телевидиода ойна қўлуқига эга. Бу ҳам Мустиқиллик меваси, фикр ранг-баранглигининг, сўз эркинлигининг, оммавий ахборот воситаларига онд қонун ҳужжатларида, жумладан: «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари» тўғрисидаги ги қонунда жамиятининг, шахсининг ахборот борасидаги ҳавфсизлигига онд тушуналарга алоҳида уруғ берилган. Жумладан, Қонунда «**миллий ўзликини англашни издан чиқаришга, жамият тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга...** қарши ҳаракат таъминини барпо этиш» ҳам таъкидланган. Қонун лойиҳаси муҳокамасида баъзи экспертлар миллий анъаналар ва урф-одатлардан узоқлаштиришга қарши ҳаракат деганда нима назарда тутиляпти, бу — сўз эркинлигини бугишга олиб келмайди, деган фикрни айтишган эди. Аслида, бу тушуналга беҳиз уруғ берилмаган.

Гап шундаки, айрим чет эл оммавий ахборот воситалари учун одадий ҳисобланган шундай нарсалар борки, улар бизнинг газетхон ёки телетомошабин учун кадриятларимизни оёқости қиладиган, маънавиятнинг ҳақоратлайдиган тунга шунчалар бўлиши келтирса бўлади. Унлаб мисолларнинг турмуш Афсуски, «ўёқдагиларнинг турмуш тарзини ифодаловчи, биз учун эса мулқат ёт нарсалар ўзимиздаги оммавий ахборот воситаларида ҳам пайдо бўлмоқда. Катта тиражада чиқадиган дурустгина газетда қандайдир беҳаё аёнинг «Уз кизимга

оила йиғилиб овқатланаётган маҳал ёш бола бобосига деди: «Вей, қари тулки, тузни олиб бери!» «Болам, сал мулойимроқ сўрасанг ҳам бўлади-ку!» «Майли, қари тулки, илтимос, тузни олиб бери!»

Эхтимол, бундай «латифалар» дунёнинг нариги чеккасидаги газетхон учун қулгили бўлса бордир. Биз эса бунга гапларга қулишимиз эмас, йиғлашимиз керак! Олий ўқув юртида таълим олаётган ўзбек қизи шунча «Хунар» кўрсатиш қўйиб, устига устак онасидан «су-юни» олиши мумкинми? Ўзбек болаёқ ўз бобосини «қари тулки» деб ҳақорат қилишга хадди сизагинми?

Бу «хангомалар» бегона юртларда чиқадиган ажнабий нашрда эмас, «Аёл қалби» деган ўзбек газетасида, ўзбек тилида, ўзбек аёлларига тақдим этиляпти! (2004 йил 17 июль сони). Хайрон қолсанг, киши. Одамийликни тараннум этувчи тупна-тузук мақолалар босиладиган газетга бундай гапларни қайси ахлат қутисидан титқилаб топси қайси фаросат билан минглаб сўбки, дунёнинг бир четида чоп этиладиган нашрлардан бунча олди-қонди нарсаларни кўчириб олиб, ўз газетаси саҳифаларини тўлдирши баъзи муҳаррирлар учун одадий ҳолга айланиб бормоқда. Уларга «Ҳой, барака топгур, шунча гапларни дoston қилиш шартми?» десангиз, жавоби тайин. Одамлар жиддий гаплардан чарчаган, қўнғил очар нарсаларни ўқийди. Бунга «Бозор иктисодий»! «Бозор иктисодий» деган деб, одамларни ўйлашга эмас, ўйламоқчи ўргатишга ким руҳсат бериш қўра қиладди.

Албатта, сўз эркинлиги яқин нараса, керак нараса. Лекин бирова беришдан эркинлик бошқа бировнинг тафаккурини ўтмаслаштирса, минглаб газетхонларнинг асабига тегиб, кадриятларимизни ҳақорат қилса, тўғри бўладими?

ли жамиятда гулу қўзғайдиган ёвуз наиятли кўтқу бўлса-чи? У «истаган» гапини турт улфат даврасида ёки қаҳвахонада эмас, минглаб нускада чиқадиган газетда, миллионлаб томошабин қўрадиган телевидиода, бутун дунёга тарқаладиган Интернетда айтмоқчи-ку! Айтилган сўз — отилган ўқ, дегани шу эмасми?

Қонун ҳужжатларида, оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳақонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан бирга жавобгардирлар, деб белгилангани беҳиз эмас. Баъзиларга шунч айтсангиз ҳам малол қелмади. «Сўз эркинлигини бўғувчи», «ҳақиқатни айтишдан қўрқувчи», «жаҳон андозаларини тушуномовчи»га айланасиз. Уларни қаноти остига оладиган «ҳимоячилар» ҳам топила қолади. Чет эл агентликлари, турли марказлар, турфа ташкилотлар, инсон ҳуқуқи муҳофазачилари...

Андоза эса нуқул «ўёқдан» олинда. «Ўёқда» ота — ўғилдан, қиз — онасидан, ука — акасидан, ола — синглисидан ййлаб хабар олма-са, улик-тириги билан иши бўлмаса, арзиманган пул учун ота-бола судлашиб юрса, бунинг оти шахс мустиқиллиги деб аталади. «Буёқ» даги удумини — қўшнинг бошига тавиш тушса, югуриб чиқиб қолдан хабар олиш, қўмакка шошилшини «ёлланма тафтишчилар» бировининг шахсий ҳаётига аралашши, «ибтидоий жамоанинг ҳаёт тарзи» деб баҳолайдилар. «Ўёқ»да «ким-дини кўнгли кимда бўлса, қўявек-кин мухаббат» деган шир «эр-йигитдир, қиздир, номус чегараси-дан чиқиб, «шоҳ ташлаш» билан қўни-қўшни, маҳалла-оёси йшлар-нинг ўзига ҳам, ота-онасига ҳам дашон берса, яна ўша «тафтишчилар» бировининг ҳуқуқини бўғиш» деб хулоса чиқарадилар. Ажаб, Японияда аёл киши эркак

ганлар» учраб туради. Шундай пайларда Юртбошимизнинг теран маъноли бир гапини кўп эсламан. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз: Биз ҳеч кимдан кам бўлмайми!»

Худди шундай! Нима учун биз нуқул бошқалардан ўрганишимиз керак-да, нега бошқалар биздан ўрганмайди? Бизнинг бировдан кам жойимиз борми? Уларгага кўз-кўз қиладиган кадриятларимиз йўқми?

Албатта, биз глобаллашувни ўзимиз учун қандайдир «бегона» тушунча деб англашимиз хато бўлади. Глобаллашув бутун дунёда руй бераётган, ортга қайтмай-диган жараён. Бошқа мамлакатлар қатори биз учун ҳам бениҳоя зарурий, бағоят фойдали жараён. Лекин у бирёқлама бўлмаслиги керак. Глобаллашув — миллий ўзликини йўқотиш дегани эмас. Дунё цивилизацияси турфа халқларнинг ўзига хос анъаналари, маданияти, маънавий кадриятлари билан гўзал ва бой ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири яшаш ва равнақ топишга ҳақли. Ҳозир глобаллашув асосини Ғарб андозалари ташкил этапти. Қайсидир давлат ёки давлатлар, қайсидир халқ ёки халқлар глобаллашувини ўз менталитетидан келиб чиқиб ўзгаларга тақшириши адолатдан эмас. У ҳолда бу жараён бир томондан фойда қилса, иккинчи тарафдан, жиддий зарар келтириши, асрий кадриятларимизга шикаст этиши, халқ ўз илдиридан айрилган «омма»га, миллат ўз қнабасини йўқотган «манкурт»га айланиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай ҳаётга ўзгалардан ўзликнинг қораси битта: ўзгалар кадриятини ҳамсизмаган ҳолда ўз кадриятларимизни маҳкам тутиб, ҳимоя қилишимиз, лозим бўлса, жумлан жаҳонга кўрсатишимиз керак.

Ўтқир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Маъсумий ярмарка тақлиф этади

Наманганда озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотларининг вилоят улгуржи чакана савдо ярмаркаси фаолият кўрсатмоқда.

Навбатдаги кузги-қишки маъсумий савдо ярмаркаси шу йил 23-27 август кунлари ўтказилади.

Маъсумий савдо ишлаб чиқарувчилари ўзларининг кенг асортиментдаги маҳсулотлари билан қатнашадилар.

Қадрли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Харидоргир, юқори сифатли маҳсулотни фақат биздан топасиз. Телефон: (8-3692) 24-75-44.

Ярмарка Наманган шаҳар, Бобур шоҳқўчаси, «Лола» савдо марказида ташкил этилади.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Урмон ҳўжалиги бош бошқармаси жамоеси «Абу Али Ибн Сино» иктисодлашган Урмон ҳўжалиги раҳбари Алижон Маматқаримовга папари бузуқворни **ИБРОНИМОВ отанинг** вафоти мўносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази жамоеси марказ тренинг ўқитувчиси **Шухрат КОМИЛОВ**нинг вафоти мўносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

